



НОДАР ДУМБАДЗЕНИНГ “ХЕЛЛАДОС” ҲИКОЯСИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Шарофат Абдурахмонова

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7147991>

ARTICLE INFO

Received: 30th September 2022

Accepted: 03rd October 2022

Online: 05th October 2022

KEY WORDS

методика, тасниф, ўқитиш, танқидий фикрлаш, тасвир, тасвирий ифода, конфликт.

ABSTRACT

Ушбу мақолада жаҳон адабиёти намунамаларидан бири бўлган “Хелладос” ҳикоясини ўқитиш методикаси юзасидан қатор изланишлар таҳлилга тортилади.

“Юраги сунъий одамгина ёвузликни жим кузатиши мумкин”, дея ҳисоблаган Нодар Думбадзе аслида ҳам ҳаёт ҳодисаларига жўн боқишдан ҳаммани огоҳликка чақиради. Бу хитоб негизи унинг “Абадият қонуни” асаридан тортиб “Хелладос” иғача сингиб кетган. Грузиялик бўлган машҳур ёзувчи 1928-йилнинг 14-июлида Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрида дунёга келди. Айни нотинч замон қора булутлари ёзувчининг болалик сарлавҳаларини ҳам намлаб ўтди. Бу оғриқлар ижодкорнинг бутун ижод йўлига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Айниқса, 30-йилларнинг жудоликлари ёзувчининг шуурида совуқ хотиралар сифатида муҳрланиб қолди. Ота-онадан эрта етим қолган Думбадзе кейинги ҳаётини катта қийинчиликлар билан ўтказди. Яқин қариндошлари томонидан тарбияланган ёзувчи кўпчилик ижодкорлар каби қишлоқ мактабида таълим олди. Аммо болалигини қора сояларда кечирган

ижодкор улкан ҳаёт сўқмоқлари олдида ўзини йўқотиб қўймади. Университетни тамомлагач, дастлабки иш фаолиятини лаборантлик билан бошлаган ёш ижодкор кейинчалик дадил қадамлар билан адабиёт оламига ҳам кириб кела бошлади. Ҳаёт йўлини мукамал изга солиб олган ёзувчи ўз асарларида доимо, кўпчилик интиқ бўлган оқибат, эзгулик, адолатсеварлик, мардлик ва муҳаббатни куйлади. Инсонларда олижаноблик сифатлар мавжуд бўлишини энг зарурий эҳтиёж деб билди. Ва бу сифатларга эга бўлган қаҳрамонларни ўзининг бадий оламига бетакрор тарзда олиб кирди, асарлари эса китобсеварлар томонидан катта илиқлик билан қабул қилинди, эъзоз топди, улуғланди.

“Хелладос” ҳикояси, аввало, ватанарварлик туйғуларини ўзида жамлагани билан аҳамиятлидир. Шунингдек, асарда дўстлик, оқибат ва айрим жиҳатларда кўзга ташланадиган



ғурур тасвири асарнинг бош ғоясини очишга хизмат қилади.

Бир қарашда муштумзўр бўлиб кўринадиган, тасвирланган Янгулида ҳам юрак, улкан юрак бор эди. Ота-онасидан эрта етим бўлиб, куни холасига қолган Жамол ҳам жўн қахрамон эмас. Ҳикоя қисқартирилиб берилган дарсликда айнан Жамолга хос чизгилар яққол акс этган жиҳатларнинг билиб-билмай ихчамлаштирилгани ҳам ёш китобхонда қахрамонга нисбатан характер бериш йўллари хиралашишига, қийинлашишига замин яратган.

Бу ҳолда адабиёт ўқитувчисининг вазифаси нимадан иборат бўлади?

Адабиёт ўқитувчисининг вазифаси дарсликда берилган матн асосида ҳикоянинг асл моҳиятини тўлақонли ўқувчига етказиб беришдир. Албатта, ўқитувчи, ҳикоянинг тўлиқ матни билан ҳам таниш бўлиши зарурий эҳтиёждир.

Ушбу ҳикояни болага тушунтириш, таҳлил қила олиш кўникмасини шакллантиришда муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиш ўринли бўлади. Муаммоли савол-топшириқнинг одатдаги саволлардан фарқли жиҳати – бир неча ечимга эга эканлиги ҳам, айнан ўқувчининг дарсликда берилган матнда кўра олмаган жиҳатларини очишига йўл беради.

“...Темирйўл кесиб ўтиладиган жойда, одатдагидек, Янгулининг тўдаси уймаланарди. Беихтиёр бошим ўша томонга оғди – ҳозир уйга боришдан нима фойда! Болаларга яқин қолганда қадамимни секинлатдим-да, атайин энгашиб, ботинкамнинг ипларини титкилай бошладим”. Болаларга ушбу парчани ўқиб бериш орқали қуйидаги

муаммоли саволларни ўртага қўйиш мумкин: Берилган парчадан қандай хулоса олдингиз? Сизнингча, Жамол кўчабезори болами? У нима учун уйига қайтишни фойдасиз деб билади? Янгули билан муштлашувда кимни айбдор деб санайсиз? Албатта, парчадан кўриниб турибдики, Жамол атайин энгашиб ботинкасини тикилайди. Аммо ҳикоянинг тўлиқ вариантыда Жамол уйига боришни, холасини кўришни истамаслигида бошқа бир асос бор. У мусиқа устозининг балиқларига ғамхўрлик қиламан деб, аксинча, заҳарлаб ўлдириб қўяди, бу ҳолатга дош беролмаган устози ношуд шогирдини уйдан қувиб солади. Жамол дарсдан эрта қайтгани боис уйига боришни истамайди, қолаверса, холаси ундан эрта қайтгани сабабини сўраганда унинг берадиган жавоби холасида ҳам унга ёқмайдиган таъсир беришини аввалдан билади. Сўнг яна ўша қарғишлар оғушида ўзини кўришни истамагани боис уйга боришни хоҳламайди. Яна бир жиҳати ҳам борки, мусиқа устозининг балиқларини атайин ўлдирмади, бола табиати билан жониворларга ғамхўрлик қилди, холос. Бироқ, устози бу ҳолни тушунишни истамайди, бу ҳолатни ваҳшийлик деб баҳолайди ва ғазаб билан болани уйдан ҳайдаб солади. Бола бу номуносиб жазодан руҳан азобланади. Ичидаги изтироб ғалаёни сиртига чиқиши учун унга бир сабаб керак эди ва бу табиийки, Янгули орқали амалга ошади. Бола бор аламини ўзи билмаган ҳолда Янгули билан тортишиб чиқаради. Бу ҳолатни Янгули жуда яхши ҳис қилгани боис ҳам Жамолга ортиқча дилозорлик қилишдан кейинчалик ўзини тийиб олганидан ҳам билиб олса



бўлади. Бу ҳолатни болаларга уқтириш учун яна бир парчани келтириш ўринли бўлади:

“ – Жамол – эшакмия!

- Янгули – кўкатфуруш грек!
- Тбилислик мишиқи!
- Эшакбоқар!
- Тўнғиз!
- Чириган бодринг!”

Бир қарашда оддий сўкишиш бўлиб кўринган ҳолатда ҳам ўзига хос ифода бор. Янгули бунга шунчаки сўкишиш сифатида қарайди, аммо Жамол шу ҳолатда ҳам Янгулининг орига тегадиган “нодир” ибораларни топиб ҳузур қилади, эътибор беринг: Янгули ҳақиқатан ҳам кўкатфуруш, эшак боқиши ҳам рост, чўпдай озғинлиги боис уни чириган бодрингга қиёсласа ҳам бўлади, аммо, аёнки, Жамол тўнғиз ёхуд эшакмия эмас. Мана шу жиҳатларда Янгулининг нозик қалбини ҳис қилиш мумкин, у Жамолни дилига яқин борадиган ҳақоратларни унга ёғдиришдан ўзини тияди. Бироқ, бу ҳолатда Жамолни ҳам қоралаб бўлмайди, унинг жон дили билан яхши кўрадиган, ҳамроҳ бўладиган ҳаммаслаги йўқ, аламзадалиги боис бор кирини у билан урушадиган ягона “душман”и Янгули орқали чиқаради.

Бу ҳолатларни ёш ўқувчиларга илғтаиш учун қуйидаги муаммоларни бериш орқали мақсадга етиш мумкин: “Айтингчи, Жамол нима учун курашувда ғолиб бўлса-да, қишлоқда биринчи бўлишга бепарво бўлди? Жамолнинг хитобида Янгули билан йўллари бошқа-бошқа эканлигини уқтирганида қандай маъноларни илғадингиз? Бу ҳолатни Янгули қандай қабул қилди деб ўйлайсиз? Табиийки, Янгули

Жамолдаги бу бепарволиклар боисини билишга тиришади, Кокадан унинг онаси ҳақида сўрайди ва ортиқ онасини ҳақоратлашдан ўзини тияди, Жамолнинг бепарволиги сабабларини тушунишга интилади ва буни топа билади. Янгулидаги бу улўғворлик Жамолни ҳам бефарқ қолдирмайди.

Яна бир парча ҳар икки қаҳрамоннинг индивидуал қирраларини ўзида ифода этган:

“ – Болалар, Мен Янгули Александриди, сизлар сайлаган сардор, сизларга, Венетсиан кўчасининг хур фарзандларига мурожаат қиламан! Рўпарангизда тбилистлик рангпар лақма билан унинг жияни - ватан ва қабила хоини, мишиқи Кока турибди. Мана бу рангпар келгинди бизнинг меҳмондўстлигимиз ва мурувватимиздан баҳраманд бўлиш ўрнига, Худо сийлаган еримизни, денгизимизни, жамики дарёларимиз, олтин ва кумушларимиз, ўтлоқларимизни ўзиники қилиб олмоқчи...

– Бас қил, майнабозчиликни! – дедим унинг гапини бўлиб. – муштлашамиз!..”

Бу ўринда ёзувчининг ҳам болалик, ҳам оғир ўтмиш жудоликларини эсга олган ҳолда таҳлилга тортиш тўғри бўлади. Бу ҳолатда қўйиладиган муаммоли савол бевосита боғланиши керак: “Янгулининг бутун қишлоқ болалари устидан ҳукмронлик қилишга интилишини қандай баҳолайсиз? Нима учун Жамолни ўша ўтлоқзорларни эгаллаб олмоқчи деб уни кўзғатишга тиришади? Нега Жамол ҳеч иккиланмай яна Янгулини муштлашишга чақиради? Улардаги олишув даҳанаки жангмиди ёки уларнинг ўртасида бошқа бир



боғлиқлик борми? Нега улар ҳар кўришганида бир-бири билан олишувни кўзлайди, бунга сабаб бўладиган жиддий асос борми? Улар нима учун жанг қилади: қишлоқ болалари олдида кучлилигини кўрсатиш учунми, агар шундай бўлса, нега ҳеч ким йўқ жойда ҳам жанг қилди? Икки дўстнинг бу муҳолифатида қандай маъно илғадингиз?

Ҳикоя сўнггида Янгулининг аянчли тақдирини ҳам чуқур позицияда болаларга юқтириш лозим бўлади, шундай қилинган тақдирда асарнинг бош ғояларидан бири бўлмиш ватан мадҳини асосий бўғинга чиқариш мумкин. Бу ҳолатда болаларга қуйидаги муаммоли вазиятларни бериш мумкин: нима учун муаллиф асар номини “Ҳелладос” деб номлаган? Асар номининг унинг ғоясига нечоғлик таъсири бор? Нега Янгули ўзи қайғули вазиятда туриб ҳам Жамолни овунтиришни ўйлайди? Жамол нима учун Янгулининг охири гапларига дош беролмай йиғлаб ортга бурилади? Янгули нима учун юртидан воз кечиб отаси билан кетолмайди? Нега у ўз жонини хатарга қўйиб ўзини денгизга ташлайди? Жамол ўзини холасининг бағрига отиб оёқларини қучиб йиғлашида қандай маъно туйдингиз? Бундан аввалгача Жамол юрак ютиб

холасига дардини айтганмиди? Жамолнинг руҳий ҳолатини қандай талқин қиласиз? Нега Янгулининг тақдири бундай яқун топди?

Асар сўнггини таққослаш методи орқали яқунлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу метод туридан фойдаланиб қуйидагича саволларни ўртага ташлаш мумкин: “Мазкур асарнинг “Оқ кема” қиссаси билан қандай ўхшашлик жиҳатлари бор? асарлардаги Бола, Янгули, Жамол каби қаҳрамонларнинг ўртоқ ва фарқли жиҳатларини ифодалашга ҳаракат қилинг. Асарда болалар қалбини илғашга интилмаслик ортидан қандай фожеалар юзага чиқди? “Кичкина шаҳзода” асаридаги боланинг тасаввурларини катталар қандай қабул қилганини эслашга ҳаракат қилинг ва буни ҳозир ўқиган асарингиз билан таққосланг” каби саволларга болаларни жавоб беришга ундаш орқали уларни мустақил ва танқидий фикрлашга ўргатиш мумкин. Агар ўқитувчи ушбу жараёнда ўқувчиларнинг асарга бўлган муносабатларини руҳлантира олса, болалар ўз-ўзидан асарнинг ички оламини ҳис эта билади, қаҳрамонларга нисбатан қалбида муҳаббат, ачиниш ва азоб туйғуларини ҳис этади, қолаверса, уларда танқидий фикрлаш қобилияти ҳам шаклланиб, сайқалланиб боради.